



КЎМАКЧИЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТИ:  
ТАРИХИЙ ЎЗБЕК ТИЛИ МИСОЛИДА

Жумаев Фарҳод

Тошкент иқтисодиёт ва педагогика институти  
доценти в.б., ф.ф.номзоди

**Аннотация.** Ўзбек тилидаги кўмакчилар (ёки ёрдамчи сўзлар) – тилнинг синтаксисида ёрдамчи функцияни бажарадиган ва гап тузилишини, маъно ёки грамматик жиҳатларни аниқлайдиган сўзлардир. Кўмакчилар ўз-ўзидан мустақил маъно ифодаламайди, балки бошқа сўзлар билан биргаликда ишилайди. Мазкур мақолада кўмакчиларниң шаклланиши хусусияти тарихий ўзбек тили мисолида очиб берилган.

**Калит сўзлар.** кўмакчилар, ўзбек тили, услубий формалар.

**FORMATION FEATURES OF AUXILIARIES: ON THE EXAMPLE OF THE HISTORICAL UZBEKISTAN LANGUAGE**

**Abstract.** Auxiliaries (or auxiliary words) in the Uzbek language are words that perform an auxiliary function in the syntax of the language and determine the structure of speech, meaning or grammatical features. Auxiliaries do not express an independent meaning on their own, but work together with other words. This article reveals the peculiarities of the formation of auxiliaries using the example of the historical Uzbek language.

**Keywords.** auxiliaries, Uzbek language, stylistic forms.

**ОСОБЕННОСТИ ОБРАЗОВАНИЯ ВСПОМОГАТЕЛЬНЫХ ГОВОРЯЩИХ СЛОВ: НА ПРИМЕРЕ ИСТОРИЧЕСКОГО УЗБЕКИСТАНСКОГО ЯЗЫКА**

**Абстрактный.** Вспомогательные слова в узбекском языке — это слова, которые выполняют вспомогательную функцию в синтаксисе языка и определяют структуру предложения, его значение или грамматическую сторону. Вспомогательные глаголы не выражают значения самостоятельно, а работают вместе с другими словами. В данной статье рассматривается образование вспомогательных глаголов на примере исторического узбекского языка.

**Ключевые слова.** вспомогательные средства, узбекский язык, методические формы.

Ҳозирги мустақил Ўзбекистоннинг Давлат тили бўлган ўзбек тили ўтмишда қандай номланганлиги ва қайси давлат шароитида иш кўрганлигидан қатъи назар, ҳар доим





илмий, амалий жиҳатдан ўрганиб келинган. Тўғри, ўзбек тил билими бир хилда ва бир текисда тарақкий қилмади: ўрта асрларда араб тилшунослиги, янги асрлардан бошлаб эса рус тилшунослиги йўналишида ривожланди ва ҳозир ўзбек тилшунослиги мустақил тилшунослик сифатида ўз тараққиёт йўлини давом эттирмоқда. Шубҳасиз, туркий тил билими таркибида назарий ва амалий муаммоларни ёритишда унинг олдинги қаторида бормоқда.

Қадимги туркий тилда илгару сўзи шарқ маъносида қўлланган. Туркий халқлар дунё томонларини белгилашда қуёшнинг харакатини мезон қилиб олишган. Шунинг учун ҳам улар шарқни кун тогҳсук – кун туғиладиган жой (қуёш чиқадиган жой), жанубни кун ортасингару – кун ўртага келган жой, ғарбни кун батсиқун (кун ботадиган жой), шимолни тун ортасингару – тун ўртага келадиган жой деб аташади. Бунда кун тогҳсук ҳамда илгару сўzlари баъзида синоним тарзида қўлланади. Бу синонимлик шунчаки пайдо бўлган эмас, балки сўzlар этимологиясида мантиқий боғлиқлик мавжуд. Бунинг учун илгару сўzinинг асосини и-ы бобо ўзакдан қай тарзда келиб чиққани аниқлаш керак бўлади.

Юқорида А. Маматовнинг “этимологик кузатишлар” китобидан олинган парчани бериб ўтдик. Унга кўра и-ы ўзагининг бир маъноси “жўнамоқ”, “юбормоқ” эканлигини кўриб чиқкан эдик. Бобо ўзакдан англашилган мазмунни шарқقا боғлайдиган бўлсак, шарқдан қуёш жўнаши боғлиқликнинг мантиқан эканлигини кўрсатади. И-ы бобо ўзакка қўшилган –л қўшимчаси мажхул-ўзлик қўшимчаси бўлиб, қуёшнинг юборилиши, жўнатилишини билдиради. Ҳамда жой маъносида қуёш жўнайдиган макон, деган тушунчани ўзида намоён этади. –гару қўшимчаси қўшилиши билан эса маконнинг шарққача – қуёш чиқадиган жойгача, деган аниқ мазмуни пайдо бўлади. Тошибитикларда қўлланган илгару сўзи кунчиқаргача деган маънони ифодалаб турибди.

*“Тоқуз оѓуз беглери бодуни бу сабумин эдгути эшид қатиѓды тынгле илгеру кун тоғсиққа... - Тўққиз ўгуз беклари, халқи бу сўзларимни яхшилаб эшиш, диққат қилиб тингла, олдинга – кунчиқарга...<sup>21</sup>”*

**Тапа – таба<sup>22</sup> ҳамда тапару – табару.** Ушбу кўмакчилар бир ўзакдан “та” сўзидан ясалган. Бу ўзак ҳозирги кун ўзбек тилида ҳам сақланиб қолган бўлиб, “то” шаклида (то Андижонгча бордим каби. муал.) мавжуд. Бу ўзак ҳозирда истеъмолда бўлган томон, тараф сўзларининг ўзагида ҳам бор. Тапа-таба ҳамда тапару-табару кўмакчиларидағи “та” сўзига “-па-ба-ма” қўшимчаси қўшилган бўлиб, йўналишни конкретлашишига сабаб бўлган. Тапару – табару кўмакчисидаги –ру жўналиш қўшимчаси эса чегара маъносининг юзага чиқишини таъмин этган. Тошибитикларда ушбу кўмакчиларга кўплаб мисоллар мавжуд.

<sup>21</sup> Абдураҳмонов Ф. Б - 89.

<sup>22</sup> Qadimgi turkiy tilga oid manbalarning ba`zilarida taba shaklida, ba`zilarida esa tapa shaklida uchraydi.





Янглий кўмакчисини тошбитикларда учратмадик, аммо “Олтун ёрг” асарида бу сўз мавжуд. Шунинг учун ҳам ушбу кўмакчининг ясалишига доир фикрларни ўртага ташламоғомиз лозим.

Олимлардан А. Н. Кононов, В. В. Радлов, Вамбери, Будагов каби олимлар янглиф аслида образ маъносини берувчи “янғ” сўзидан келиб чиққанини айтади<sup>23</sup>. Демак, янғ сўзига “-лий” от ясовчи қўшимча қўшилиб, янглий сўзи келиб чиққан. “Олтун ёрг”да ушбу кўмакчи ўртача фаолликда қўлланади.

Масалан, “Чайти атлий йири оруни ол тарингта таринг адгу ном орнаниши ол табранжссиз мунтадж янглий оғдилий идуқ жайти арунта мини қўргали булдайлар – Чайти деган жой бўлса, ўша (жойда) энг теран, яхши нўм жойлашгандир. Мустаҳкам, бу сингари (янғлий) мақтоворга сазовор, муқаддас ибодатхонада мени кўрадиган бўладилар<sup>24</sup>,”

Сари – сайи –сайнин. Бу уч кўмакчининг илдиши битта. Уларнинг бобо ўзаги са-сўзиdir. Этимологик луғатларда са- бобо ўзагининг қўплаб тармоқланган маънолари бор. Хусусан, нутқ маъноларини берувчи санамоқ, сайрамоқ, сўзламоқ, сўз сингарилар, айнан, са-дан келиб чиққани қўрсатилади. Аммо са-нинг сари, сайи кўмакчиларига маъно жиҳатдан яқин бўлган мазмуний тармоқни ҳозирча қўрмадик. Аммо тошбитикларда қизиқ бир ҳолатнинг гувоҳи бўлдик. Култигин битиктошида “ер саю бардї”, яъни “ҳар ён кетдик” деган гап мавжуд. Матнда саю теварак-атроф, бошқа ер, деган маъноларни юзага чиқарган. Натижада эса, кўз олдимизда й-с товушининг алмашиниши билан юзага келадиган юрмоқ-сурмоқ, югурмоқ-сақрамоқ, юмаламоқ-судралмоқ сингари сўзларнинг бобо ўзаги ю- ва су- намоён бўлади. Зоро, ҳаракатни билдирувчи бу бобо ўзакларнинг ўхшаш томони ҳаракатнинг ер устида рўй бериши билан ерга алоқаси бор. Бу алоқани су- ўзакдан келиб чиққан суw-сув, су-лашкар сингари ҳаракатланувчи сўзларда ҳам кўриш мумкин. Демак, су-са-се- нинг тахминий маъноси ер узра ҳаракатланиш, ер сатҳи билан боғлиқ мазмун саналади. Ана шунда сари, сайи, сайин кўмакчиларининг бирор жойгача, бирор пайтгача деган маънолари юзага чиқади. Албатта, бу кўмакчилардаги чегараланиш маъносини -ра, -ру, -йи кўринишларига эга бўлган жўналиш келишиги қўшимчаси ҳосил қилмоқда.

**Холоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).** Биз барча кўмакчиларга тўхталиб ўтирмадик. Балки қадимги туркий тил даврида фаол қўлларган кўмакчилар билан кифояландик. Ёрдамчи сўзларнинг этимолик тарихини тадқиқ қилиш самарадор иш саналади. Чунки этимологик таҳлил тил тарихини, унинг даврий ҳолатини тасаввур қилишга имкон яратади. Шунинг учун ҳам ёрдамчи сўзларни айни аспектдан кузатиш тарихий тилшуносликнинг олдидағи вазифасидир. Бу тарздаги текширув мустақил сўз туркумидан ёрдамчи сўз ҳолатига ўтиш

<sup>23</sup> Рустамов Т... Б – 81.

<sup>24</sup> . Олтун ёрг. 2-китоб. Н. Раҳмонов табдили. Мумтоз сўз. Т.: Б – 222.





босқичларини, қадимги туркй тилда қўлланган кўмакчиларнинг мустақиллик ёки ёрдамчилик маъносини акс эттириб турганини тўлақонли кўрсатиб беради.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. А.Нурмонов. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Т., 2002.
2. В.И.Кодухов. Общее языкознание. М., 1974.
3. История лингвистических учений. Средневековый Восток. М., 1981.
4. Н.А.Кондрашов. История лингвистических учений. М., 1979.
5. Н.А.Кондрашов. История лингвистических учений. М.,1979.
6. С.Усмонов. Умумий тилшунослик. Т., 1972.
7. С.Усмонов. Умумий тилшунослик. Т., 1972.
8. Т.А.Амирова, Б.А.Ольховиков, Ю.В.Рождественский. Очерки по истории лингвистики. М., 1975.
9. Т.А.Амирова,Б.А.Ольховиков, Ю.В.Рождественский. Очерки по истории лингвистики. М., 1975.
10. Я.В.Лоя. История лингвистических учений. М., 1968.
11. Я.В.Лоя. История лингвистических учений. М., 1968.

